

2023 йилнинг 18-19 май кунлари Ўзбекистон ҳамда Венгрия Олий таълим муассасалари ректорлари форумида Тошкент кимё-технология институти ректори Усмонов Ботир Шукуриллаевич иштироки бўйича

ҲИСОБОТ

Венгриянинг Будапешт шаҳрида 2023 йил 17 май куни бўлиб ўтган Ўзбекистон-Венгрия II ректорлар форуми бўлиб ўтди. Бунда Ўзбекистон Республикаси Олий таълим, фан ва инновациялар вазирининг биринчи ўринбосари Комилжон Каримов бошчилигидаги 10 дан ортиқ ОТМ ректорлари, проректорлари ҳамда масъул раҳбарлардан иборат делегация иштирок этди. Ўзбекистон Республикаси делегацияси расмий қабул маросими Karoli Gaspar университетнинг Karoli Sekonitsa саройида бўлиб ўтди.

Расмий қабулда Karoli Gaspar университети ректори Лазло Трошани ҳамда Венгрия ректорлари конференцияси раиси Лазло Борхилар кутлов нутқи билан иштирок этиб, Ўзбекистондан ташриф буюрган меҳмонларни расмий тадбирни очиб бердилар. Шунингдек, кутлов нутқида икки давлат ўртасида талим ва илм-фан соҳасида ривожланиб бораётган ҳамкорлик алоқаларига юқори баҳо берилди ва Ўзбекистон ОТМлари ректорларининг Венгрияга ташрифи талабалар, докторантлар, тадқиқотчилар, профессор-ўқитувчилар алмашинувининг кенгайишига, билимлар ва тажриба алмашинувига ҳисса қўшишини қайт этиб ўтдилар.



2023 йил 17 май, Karoli Gaspar университети Karoli Sekonitsa саройи, Будапешт шаҳри Венгрия.

Ташриф давомида Тошкент кимё-технология институти ректори Б.Усмонов бошчилигидаги институт делегацияси Обуда университетининг Алба Региа техника факултетига ташриф буюрдилар. У ерда институт вакиллари факультет томонидан олиб борилаётган илмий ишланмалар, замонавий техникалар, ўқув аудиториялар ва лабораториялар фаолияти билан танишдилар.



2023 йил 17 май, Обуда университети Алба Региа техника факултети, Будапешт шаҳри Венгрия.

фракциялари ишлаб чиқарилиши бошланди. Ҳозирги кунда, принципиал жи янги хусусиятларга эга ушбу маҳсулотлар ишлаб чиқарилиши, амал технологик жараёнларни такомиллаштиришга ва уларни асосида диз ёқилғисини ишлаб чиқариш ҳажмини кўпайтиришга, янги таркибли эксплуатацион ва экологик хусусиятлари яхшиланган экспортбоб дизель ёқилғиларини ишлаб чиқаришга қаратилган тадқиқотлар олиб бориш йўлга қўйилмоқда. Бу борада синтетик маҳсулотларни физик-кимёвий хоссаларини ўрганиш, улар асосида янги турдаги маҳсулотларни яратиш, уларни нефтни қайта ишлаш жараёнидаги маҳсулотлари билан мослиги ва аралашма маҳсулотларни олиш бўйича илмий тадқиқотлар олиб борилмоқда. Республикамизда энг замонавий халқаро талабларга жавоб берадиган экологик тоза дизель ёқилғисини олиш, уни ишлаб чиқаришда маҳаллий экологик тоза кўшимчалардан фойдаланиш, дизель ёқилғисининг янги композицион таркибини яратиш борасида амалий натижаларга эришилмоқда.

Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегиясида «миллий иқтисодиётни жадал ривожлантириш ва юқори ўсиш суръатларини таъминлаш, саноатни сифат жиҳатидан янги босқичга кўтариш, маҳаллий хомашёни қайта ишлаш, тайёр маҳсулот ишлаб чиқаришни жадаллаштириш, ишлаб чиқаришни янги босқичга кўтариш, ички ва ташқи бозорларни импорт ўрнини босувчи рақобатбардош маҳсулотлар таъминлаш» бўйича муҳим вазифалари белгилаб берилган. Бу борада, жумладан нефтни қайта ишлаш жараёнини интенсификация қилиш, дизель ёқилғиси ресурсларини кўпайтириш ва маҳаллий хом ашё компонентлари асосида эксплуатацион ва экологик хоссалари яхшиланган экологик тоза композицион дизель ёқилғиларини олиш илмий ва технологик асосларини ишлаб чиқиш муҳим аҳамият касб этади.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 28 январдаги ПФ-60-сонли «2022-2026 йилларга мўлжалланган янги Ўзбекистон тараққиёт стратегияси тўғрисида»ги, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947-сонли «Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида»ги, 2019 йил 1 февралдаги ПФ-5646-сонли «Ўзбекистон Республикаси ёқилғи-энергетика тармоғини бошқариш тизимини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Фармонлари, ҳамда 2017 йил 30 июндаги ПҚ-3107-сон «Нефть-газ соҳасининг бошқарув тизимини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Қарори шунингдек мазкур фаолиятга тегишли бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишга ушбу диссертация тадқиқоти муайян даражада хизмат қилади.


Мазкур диссертация иши мустақил, тўла асосланган, яқунланган илмий-амалий тадқиқот бўлиб, «O'ZLITINEFTGAZ» АЖда бажарилган.

Талабгорнинг эришган энг муҳим илмий натижалари:

нефтни қайта ишлашнинг гидротозаланган дизель ёқилғиси асосида унга GTL жараёнини синтетик дизель фракциясини янги экологик тоза компонент сифатида қўшиб яхшиланган эксплуатацион ва экологик хусусиятларга эга бўлган янги таркибли композицион дизель ёқилғисининг таркиби ва олиш усули ишлаб чиқилган;

ишлаб чиқилган композицион дизель ёқилғисинг таркиби учун сертификация органи томонидан янги «ДТ Евро-Л-II-K4-SSDF» ва «ДТ Евро-Л-II-K5-SSDF»

Форумнинг иккинчи кунда Олий таълим, фан ва инновациялар вазирлиги делегацияси Ўзбекистон-Венгрия ректорлари II форуми доирасида Венгриянинг Сегед университетига ташриф буюрди. Ўзбекистон делегацияси вакилларида дастлаб муҳандислик ва адабиёт факультетлари фаолияти ҳамда университет кутубхонасининг шарқий адабиётлар бўлими таништирилди. Шундан сўнг ўқув ҳамда илмий лабораториялар фаолияти билан танишиш мақсадида университет кампусига ташриф буюрилди.



2023 йил 18 май, Сегед университети, Сегед шаҳри, Венгрия.

Тадбирларнинг асосий қисми Халқаро форум 2023 йил 19 май кунини бошлади. Халқаро форумни Венгрия Маданият ва инновациялар вазирлиги инновациялар ва олий таълим бўйича давлат котиби Доктор Балázs ХАНКО кириш сўзи билан очиб, ташриф буюрган меҳмонларни самимий қутлади ва ушбу форум икки томонлама ҳамкорликни янада ривожлантиришда муҳим аҳамият касб этишини билдирди. Шунингдек, анжуманда сўз олганлар икки давлат таълим соҳасида ҳамкорлик алоқалари, унинг ютуқлари ва истикболлари ҳақида тўхталишди. Форум якунида 30 дан ортиқ ҳужжат имзоланди. Форум доирасида ҳамкор ОТМлар билан биргаликда кимёвий ва озиқ-овқат технологиялари бўйича кадрлар тайёрлаш ҳамда ўқув жараёнига инновацияларни жорий этиш, замонавий биотехнологиялар ёрдамида саноат сувини тозалаш ва ерларни томчилатиб суғориш каби йўналишлар муҳокама қилинди.

Форум натижаларига кўра Тошкент кимё-технология институти ҳамда Венгриянинг Обуда университети ўртасида ҳамкорликдаги ишларни олиб бориш бўйича “Йўл харитаси” имзоланди. Умумий ҳисобда муҳандислик, мехатроника, робототехника, ижтимоий-иқтисодий соҳаларда 30 дан ортиқ меморандум ва шартнома имзоланиб, кадрларни биргаликда тайёрлаш бўйича ўзаро ҳужжатлар алмашилди.



2023 йил 19 май, Будапешт шаҳри, Венгрия.

22.05.2023 йил

Тошкент кимё-технология институти хузуридаги илмий даражалар берувчи DSc.03/30.12.2019.T.04.01. рақамли илмий кенгашнинг 02.00.08 - Нефть ва газ кимёвий технологияси (техника фанлари) мутахассислиги бўйича фалсафа доктори (PhD) илмий даражасини олиш учун тақдим этилган тадқиқотчи Абдуллаев Меҳриддин Раззоқовичнинг «Маҳаллий синтетик маҳсулотлардан фойдаланган ҳолда хусусиятлари яхшиланган мотор ёқилғисини олиш технологиясини ишлаб чиқиш» мавзусидаги тақдимномаси бўйича

ХУЛОСА

Абдуллаев Меҳриддин Раззоқовичнинг диссертация иши республикада маҳаллий синтетик маҳсулотлардан фойдаланган ҳолда хусусиятлари яхшиланган мотор ёқилғисини олиш технологиясини ишлаб чиқишдан иборат.

Ҳозирги вақтда экологик хусусиятлари яхшиланган ва таркибида олтингугурт ва ароматик углеводородларни миқдори чекланган дизель ёқилғисини олиш масаласи муҳим аҳамият касб этади. Шу билан бирга, дизель ёқилғисига истеъмолчиларни эҳтиёжи тобора ошиб бориши, унинг ишлаб чиқариш миқдорини ошириш борасида ноанъанавий ресурсларни жалб қилиш масалалари тобора долзарб бўлиб қолмоқда. Дунёда атроф муҳитни хавфсизлигини таъминлаш ҳам глобал аҳамиятга молик масалалар сирасига кириб, сўнги йилларда мотор ёқилғисини, айниқса дизель ёқилғисини ишлаб чиқаришда турли экологик тоза қўшимчалар яратишга эътибор қаратилмоқда. Ўсимликлар асосида олинган спиртлар, ўсимлик мойлар шулар қаторига киради. Шу билан бирга, Fisher-Тропш синтези асосида GTL жараёнида олинаётган маҳсулотларни мотор ёқилғилари компонентлари сифатида ишлатишга ҳамда ёқилғи маҳсулотларини ишлаб чиқариш самарадорлигини оширишга алоҳида эътибор қаратилмоқда.

Жаҳонда, GTL технологияси 100 йилдан ортиқ вақтдан бери маълум бўлишига қарамастан, фақат охирги 20 йил ичида ундан кенг фойдаланиш йўлга қўйилмоқда ва ҳозирги кунда ушбу технология муваффақиятли ривожланмоқда. Дизель ёқилғисини ҳажмини ошириш ва сифатини яхшилашга йўналтирилган, принципаал жиҳатдан янги хусусиятларга эга дизель ёқилғисини ишлаб чиқариш ва технологик жараёнларни такомиллаштириш ва янги технологияларини қўллашга қаратилган чуқур тадқиқотлар олиб борилмоқда.

Бу борада GTL жараёнини ривожлантиришга алоҳида эътибор қаратилмоқда, экологик тоза мотор ёқилғи маҳсулотларини олиш технологиясини такомиллаштириш, олинган маҳсулотларнинг таркиби ва физик-кимёвий хусусиятларини ўрганиш, энг замонавий халқаро талабларга жавоб берадиган юқори сифатли дизель ёқилғисини тайёрлаш усуллари ва таркибларини ишлаб чиқиш бўйича илмий тадқиқотлар олиб борилмоқда. Ҳозирда дунёда санокли GTL заводлари мавжуд бўлиб, улардан энг йирикларидан бири бўлган Ўзбекистон GTL заводи муваффақиятли ишга туширилиб самарали ишлатилмоқда.

Республикада заводнинг ишга туширилиши муносабати билан синтетик дистиллят фракциялари - таркибида олтингугурт ва ароматик бирикмалар деярли бўлмаган дистиллят фракциялари, шу жумладан кўп тоннажли ишлаб чиқариш маҳсулоти бўлган GTL жараёнининг дизель фракцияси ва бошқа дистиллят